# Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 30 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 270 (13.333)

Баҳоси эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ "НУРОНИЙ" ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек кекса ёшдаги фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини янада ошириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўла ҳуқуқли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, катта авлоднинг жамият, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасини таъсис мажлисининг Жамғарма номини Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги "Нуроний" жамғармаси (кейинги ўринларда "Нуроний" жамғармаси" деб аталади) этиб ўзгартириш ва унга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни юклаш ҳақидаги ташаббуси маъқуллансин:

фахрийларнинг Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлашда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оқсоқоллар, кекса ёшдагилар ва ногиронларни ёшларни Ватанга муҳаббат, кекса авлод кишиларини ҳурмат қилиш, эзгулик ва раҳмдиллик сингари халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятга жалб этиш;

кексаларнинг ҳаёти даражасини ошириш, пенсияга чиққандан кейин уларнинг юқори ижтимоий фаоллигини, шу жумладан уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини ва давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш;

кексалар учун назарда тутилган пенсиялар ва имтиёзлар бўйича қонун ҳужжатлари қоидалари ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ушбу масалада давлат бошқаруви органларига ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўмаклашиш, эҳтиёжманд кексаларни ва аҳолининг бошқа қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тиббий ёрдам билан таъминлаш, ушбу мақсадларда ишлаб чиқариш, тижорат, ноширлик, хайрия тадбирларини ва бошқа тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда оилаларда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш, ёлғиз кишилар ва эҳтиёжманд кексаларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжлари қондирилишида ҳар томонлама ёрдам бериш;

кексалар учун уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил ижтимоий-маданий тадбирлар, телемарафонлар, махсус спорт мусобақалари, кекса ёзувчилар, артистлар, хонандалар, рассомларни ва ижодий зиёлиларнинг бошқа вакилларини таклиф этган ҳолда ижодий кечалар ташкил этиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг туманлар (шаҳарлар)даги бўлимлари тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги замонавий талабларни ва Жамғармага юкланган янги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда "Нуроний" жамғармасининг янги таҳрирдаги уставини тайёрлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасига кўмаклашсин.

3. 2017 йил 1 январдан бошлаб "Нуроний" жамғармасининг барча ходимлари – пенсионерларга пенсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 фоиз миқдорда тўланган ҳолда "Нуроний" жамғармаси марказий аппарати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) бўлимларининг штатдаги ходимларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан таъминлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби жорий қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари 2017 йил 1 сентябргача ҳар бир туман ва шаҳарда, қоидага кўра маданият ва дам олиш истироҳат боғлари ҳудудида "Нуронийлар маскани" мажмуалари фаолият кўрсатишини, уларда "Нуроний" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, туманлардаги (шаҳарлардаги) бўлимларини жойлаштириш учун хоналар ажратилиши ёки қурилишини таъминласинлар.

Мажмуаларни қуришда бой китоб фондига эга бўлган китобхонлар заллари, шахмат, шашка ўйнаш учун дам олиш хоналари, кексалар учун махсус тренажерлар билан жиҳозланган даволаш-жисмоний тарбия заллари, шунингдек ошхона ва тиббий хона ташкил этилиши, уларни зарур мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш назарда тутилсин.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ "Нуроний" жамғармаси ва унинг бўлимлари солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўловчилар ҳисобланмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг меҳнаткашларни соғломлаштиришга йўналтирадиган маблағларининг 30 фоизгачасини пенсионерларни, биринчи навбатда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ўз тизимидаги санаторийларда соғломлаштиришга (шу жумладан, дори воситалари олиш учун) ҳар йили йўналтириш, шунингдек меҳнаткашларга уларга ажратилган йўлланмаларини ўзларининг ота-оналарини соғломлаштиришга юбориш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

6. Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳалардаги узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари учун меҳнаткашларга, шунингдек ишламайдиган, жамиятда мустаҳкам оилани сақлаб қолган, фарзандларини қатталарга ва кичик авлодга ҳурмат, жамият олдидаги масъулият, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб ҳурмат қозонган оналарга тақдим этиладиган "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони (I, II, III даражали) таъсис этилсин.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш ва уни топшириш давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, таклифи билан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

"Нуроний" жамғармаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда ҳар бир туманда "Меҳнат фахрийси" нишони билан тақдирланган шахслар тўғрисидаги қисқача биографик маълумотномалар акс эттириладиган "Бизнинг фахрийларимиз" китоб-фотоальбомини юритиш ва унинг ҳар йили янгилаб борилишини таъминласин.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари "Меҳнат фахрийси" нишони билан тақдирланган шахслар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойлар эшикларида "Бу ерда I, II, III даражали "Меҳнат фахрийси" нишони билан тақдирланган фуқаро (Ф.И.О.) истиқомат қилади" ёзуви бўлган белги ўрнатилишини таъминласинлар.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОЙИШИ*

## 2017 ЙИЛ 2 ЯНВАРНИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Фуқаролар ва республика жамоат ташкилотларининг кўплаб мурожаатларини ҳисобга олиб, дам олиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳамда янги 2017 йил нишонланиши муносабати билан:

2017 йил 2 январь – душанба дам олиш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 29 декабрь

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида**

## ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

***Аввал хабар қилинганидек, кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўн саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.***

Унда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2016 йил 9 ойлик ижроси ва 2017 йилга мўлжалланган бюджет параметрлари лойиҳаси, кейинги йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари ва 2017-2024 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари прогноз дастурини тасдиқлаш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижроси, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиянинг фаолияти, баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳининг Тошкент шаҳар Кенгаши ва доимий комиссияларининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш ва Кенгаш ваколатига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2016 йил 9 ойлик якунлари бўйича ижроси юзасидан Кенгаш қарори қабул қилиниб, бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан олиб бораётган назорат ишларини янада кучайтириш чора-тадбирларини кўриш белгиланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида даромадлар базасини кенгайтириш ва солиқ тушумларини кўпайтириш, қўшимча солиқ базаларини аниқлаш, бюджетга боқиманда қарздорликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Сессия кун тартиби бўйича Тошкент шаҳрини 2017-2024 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари прогноз дастури атрофлича муҳокама этилиб, мазкур дастурнинг ижроси юзасидан таъсирчан чоралар кўриш, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ҳажмини кўпайтириш, юқори салоҳиятга эга бўлган ҳар бир турдаги истиқболли хом ашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашни ташкил этиш чораларини кўриш таъкидланди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚУВОНЧ ВА ЭЗГУЛИК ШОДИЁНАСИ

***29 декабрь куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Президент арчаси" тантаналари бошланди.***

Мамлакатимизда болалар келажагимиз ворислари, миллатимиз давомчилари сифатида эъзозланади. Ҳадемай тарих саҳифасига муҳрланадиган 2016 йил – Соғлом она ва бола йилида эртамиз эгаларини ҳар томонлама камолга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ёш авлодни турли ёт ғоялар, мафкуравий таҳдидлардан ишончли ҳимоялаш, уларнинг билим ва маънавиятини янада бойитишга қаратилган кўплаб маърифий лойиҳалар, амалий чора-тадбирлар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-онасиз ёки уларнинг қаровисиз қолган болаларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар йили Янги йил байрами арафасида бу саховат ва меҳр нишоналари яна бир бор бўй кўрсатади дилларда. Камалакранг чироқлар билан безалган арча атрофида байрам тантаналари ташкил этилиб, болажонларга "Президент совғаси"нинг улашилиши бу борадаги ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Янги – 2017 йил арафасида ҳам 12 номдаги ўқув қуроллари ва турфа ширинликлардан тайёрланган "Президент совғаси" мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уюштирилаётган "Президент арчаси" тантаналарида орзиққан юракларни шодликларга тўлдирмоқда.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Президент арчаси" байрам тадбири шукуҳли ва эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Унда Мехрибонлик уйлари, SOS – болалар маҳалласи, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ижтимоий кўмакка муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳамда Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида ҳалок бўлганларнинг фарзандлари иштирок этди.

Сарой фойесида байрамона ўйинчоқ ва чироқлар билан безатилган арча атрофида Қорбобою Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари, таниқли санъаткорлар бир-биридан бежирим либослар кийиб, байрамга ошиққан болажонларни ва меҳмонларни хушнудлик билан кутиб олди. Бу ерда янграган куй-қўшиқлар, эртак қаҳрамонларининг ҳазил-мутойибалари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

– Жонажон Ватанимизда ҳар бир инсон азиз, унинг қадр-қиммати юксак. Шунга монанд халқимизнинг меҳри дарё, саховати уммон. Айниқса, фарзандларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш азалий қадриятимиз, – дейди ЎзА муҳбирига А.Хлебушкина номидаги 22-Мехрибонлик уйи директори Шаҳри Бердиева. – "Президент арчаси" байрам тантаналарида ҳам халқимизнинг ана шундай инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилик каби эзгу фазилатлари яна бир бор намоён бўлади. Бу тадбир болаларга қувонч, бир умрга унутилмас хотиралар туҳфа этади.

...Чорлов мусиқаси болажонларни ажойиб эртак-спектакль томошасига чорлайди. "Томоша" болалар ижодий студияси томонидан "Мўъжизалар олами" саҳналаштирилган мусиқий чиқиши байрам қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди. Қизиқарли саргузаштларга бой воқеалар, қуй-қўшиқлар, рақсларни ўзида жамлаган саҳна кўриниши асносида кичкинтойлар аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, катталарга ҳурмат, ақл, одоб инсонга зийнат бағишловчи фазилатлар эканининг гувоҳи бўлди.

Тадбир ниҳоясида барча болалар, ёш ижрочилар, байрам иштирокчилари жўрликда "Президент арчаси" қўшиғини ижро этди. Президентимизнинг ўқув қуроллари, китоблар, турфа ширинликлардан иборат совғалари кичкинтойларга топширилди.

– Янги йил байрами биз, болалар учун байрамлар ичида энг завқлиси, – дейди Мирзо Улуғбек туманидаги SOS – болалар маҳалласи тарбияланувчиси Сарвар Маҳмудов. – Шу боис уни ўзгача кайфият билан, шеърлар ёд олиб, байрамона кийиниб, интизор кутамиз. Ушбу муҳташам саройда "Президент арчаси" тантанаси уюштирилиб, бизга совғалар берилиши байрам завқини янада оширади. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан хурсандмиз.

"Президент арчаси" байрам тантаналари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Дилшод КАРИМОВ**




С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

## ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Фарғона шаҳридаги Театр концерт саройида бўлиб ўтган "Президент арчаси" тадбирлари болажонларга бир олам завқ бағишлади. "Президент арчаси" шодиёнасига Мехрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлган ички ишлар ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари таклиф этилди.**

**• Тошкент вилоятида табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларда жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаоллигини янада оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**• Наманган вилоятининг Поп тумани Чодак қишлоғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.**

**• Бухорода "Маҳалла менинг тақдиримда" кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танловда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат 9 жамоаси иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• "Nature" журнали 2016 йилда илм-фан бўйича катта муваффақиятга эришган ўн нафар инсон рўйхатини тузди. Бунда нафақат илм-фан бўйича, балки халқаро миқёсда ўзининг жамоатчилик ҳаракатлари билан танилган инсонлар ҳам эътиборга олинди. Улар қаторида Зика билан боғлиқ кашфиёти учун шифокор Селена Турчи, генетик Кевин Эсвельт, Қуёшга энг яқин Проксима Центавра орбитасида "Proxima b" экзосайёраларни аниқлаган Гиллем Англада-Эскуде, физик-ядрошунос Елена Лонглар бор.**

**• ФИФА футбол бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этадиган терма жамоалар сонини 32 тадан 40 тага эмас, балки янада кўпроқ – 48 тага ошириш масаласини кўриб чиқаяпти. Бу янгиликни 2026 йил Шимолий Америка ҳудудида ўтказиладиган мундиалда татбиқ қилиш кўзда тутилаётир. Ташкилот президенти Жанни Инфантинонинг фикрича, шу орқали трансляциялар фаоллиги янада кучаяди ва "миллионлар ўйини"нинг оммавийлиги оширилади.**

**• Польшадаги учта паррандачилик фермасида боқилаётган товуқ ва куркаларда парранда гриппи H5N8 вируси борлиги қайд этилди ва уларнинг барчаси йўқ қилинди. Шунингдек, шу кунларда Греция ва Болгариядаги фермаларда ҳам парранда гриппи вируси мавжудлиги аниқланган.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

# ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ "НУРОНИЙ" ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси бир ой муддатда "Маҳалла" телеканалида ёши катталарга бағишланган ва ҳар куни намойиш қилинадиган "Кексалар даврасида" доимий рубрикасини ташкил этсин, шунингдек "Маҳалла" телеканалида ҳар ойда "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" телекўрсатувининг биттадан янги сериясини тайёрласин ва намойиш этсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

"Нуроний" жамғармасининг нашриёт бўлими фаолиятини ташкил этишга кўмаклашсин ҳамда ҳар ҳафталик "Нуроний" газетаси ва ҳар ойда бир чиқадиган "Кексалик гаштити" журналининг имтиёзли асосда нашр этилишини таъминласин;

"Нуроний" жамғармасининг буюртманомасига биноан "Нуроний" жамғармасининг ҳар бир бўлимини республикада нашр этиладиган камида 10 номдаги газета ва журналлар билан, шунингдек "Нуронийлар маскани" комплекслари ўқув залларининг китоблар билан мунтазам равишда тўлдириб борилишини таъминласин.

9. Жамғармани қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа ташкилотлар ва фуқароларнинг кекса авлод олдидаги фуқаролик бурчи ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига пенсияга чиқадиган ходимларга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишни, уларга зарур моддий ва ижтимоий кўмак бериш, меҳнат жамоасининг жамият ҳаётида фаол қатнашишини, шунингдек ҳар йили пенсионерлардан, айниқса, якка-ёлғизлардан хабар олиш, туғилган кунларида ва байрамларда уларга эсдалик совғалар беришни, уларнинг уй-жой, маиший муаммоларини ҳал этишда кўмаклашишни, санатория-курортда соғломлаштириш ва даволашни ташкил этишни, шунингдек муқаддас жойларга ва зиёратгоҳларга экскурсиялар ташкиллаштиришни ва бошқа ижтимоий аҳамиятли тадбирларни амалга оширишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Пенсионерлар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг ҳаётий муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ҳал этишга ёрдам бериш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига пенсияга чиққан ходимларини раҳбарият томонидан қабул қилиш жадвалларини ҳар ойда тасдиқлаш юклансин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан ҳар йил икки марта "Маҳалла" хайрия фонди, бошқа давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини жалб этган ҳолда "Нуроний" жамғармаси бўлимлари раҳбарлари, уларнинг фаоллари иштирокида кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларни тарбиялаш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, шунингдек "Нуроний" жамғармаси бўлимлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш бўйича келгусидаги қўшма чора-тадбирларни муҳокама қилишни ўтказиш амалиётга киритилсин.

12. Республика "Маҳалла" хайрия фонди раҳбариятининг:

жамоатчилик асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида (овуллар, қишлоқлар, маҳаллалар) фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий қилиш;

"Маҳалла" хайрия фондига Наврўз ва Мустақиллик умумхалқ байрамларига бағишлаб ўтказиладиган ҳашарлардан тушадиган маблағларнинг 10 фоизини "Нуроний" жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2017 йилда Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан "Нуроний" жамғармаси марказий аппарати, унинг бўлинмалари ва нашриёт бўлими моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 1,5 миллиард сўм ажратсин;

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш ва "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича бир ой муддатда чора-тадбирлар кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, "Нуроний" жамғармаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси тўғрисида" 1996 йил 4 декабрдаги ПФ-1655-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 28 декабрь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2016 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАГИ "ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ "НУРОНИЙ" ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ПФ-4906-СОН ФАРМОНИГА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2016 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАГИ "КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ПҚ-2705-СОН ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган мамлакат иқтисодини барқарор ва динамик равишда ривожлантиришга таянган кучли ижтимоий сиёсат натижасида аҳоли фаровонлиги жиддий равишда ўсди, одамларнинг турмуш сифати яхшиланди ва бу ўз навбатида ўртача умр кўриш давомийлигининг ва аҳоли структурасида кекса ёшдаги одамлар улушининг ошишига асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк кунлариданоқ ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги "Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-212-сон Фармони ва "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ўз аксини топди.

Сўнгги йиллар мобайнида республикада ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни кучайтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Мисол тариқасида, фақатгина 2010-2015 йиллар мобайнида кексалар ва пенсионерлар учун мўлжалланган 12 та Саховат ва Мурувват интернат уйлари моддий-техника базалари, 14,6 минг ёлғиз кексалар, пенсионер, ногиронларнинг турар жой шароитлари яхшиланди, 5,4 минг одам реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди, 6,4 минг ногирон ва пенсионер санаторияларда соғлиқларини тиклашди. Кўрсатилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг умумий ҳажми 132,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганиш ишлари "Нуроний" жамғармаси давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг манзиллилигини таъминлаш, кекса ёшдагилар, имконияти чекланган одамлар ва ёлғиз кексаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини кўтаришни, шунингдек жойларда туман ва шаҳарлар аҳолисининг замонавий диагностика ва даволаниш услубларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлайдиган тубдан янги ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Кексаларни қўллаб-қувватлаш давлат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қарияларга ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасида катта авлод вакилларининг ролини ошириш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва қарорида қуйидагилар кўзда тутилган:

оқсоқоллар, кексалар ва фахрийларни ёшларни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига, Ватанга муҳаббат, кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий фаолиятга жалб этиш;

жойларда кексалар турмуш сифатини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга кўмак бериш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда оилаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ёши кекса фаолларни боласи бор муаммоли оилаларга бириктириш, шунингдек ёлғиз ва муҳтож кексаларга ижтимоий ва моддий кўмак кўрсатиш;

"Нуроний" жамғармаси марказий аппаратининг, унинг вилоятлардаги ва туманлардаги бўлинмаларига, "Нуроний" жамғармаси ходим-пенсионерларига давлат бюджетидан пенсияларини тўла ҳажмда тўлаш орқали бюджетдан молияланишини таъминлаш;

ҳар йили "Маҳалла" хайрия фондига Наврўз ва Мустақиллик умуммиллий байрамларига бағишлаб ўтказиладиган ҳашарлардан тушадиган маблағларнинг 10 фоизини "Нуроний" жамғармасига ўтказиш;

"Нуронийлар маскани" комплексларини яратиш ва уларда ўқув заллари, ҳордиқ хоналари, даволаш физкультураси, шунингдек овқатланиш хоналари ва тиббий кабинетларни ташкиллаштириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик тартибида фуқаролар йиғини (овуллар, қишлоқлар, маҳаллалар) раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозимини киритиш;

"Нуроний" жамғармасининг барча бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур шарт-шароитларни яратиш, мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш учун 2,8 миллион кекса ёшдаги фуқароларнинг барчаси ихтисослаштирилган тиббий бригадалар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш;

бириктирилган патронаж ҳамширалари томонидан саломатликлари устидан доимий назорат орқали кекса ёшдаги фуқаролар орасида касалликлар профилактикаси чораларини кенгайтириш, 15,5 минг ёлғиз кексаларнинг турмуш сифатини ва турмуш даражасини уларга шахсий ижтимоий ходимларни бириктириш орқали ошириш;

кекса ёшдаги шахсларни уларга тўловсиз асосда даволаш ва соғломлаштириш. Шу муносабат билан республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига 20 минг ва вилоятлардаги тиббиёт муассасаларига 215 мингдан зиёд, жами 178,9 миллиард сўм миқдоридаги ордерлар ажратиш кўзда тутилган;

уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз пенсионерлар ва ногиронлар саломатлигини ҳар йил бу контингентга кирган 34 минг одамни 18 миллиард сўм миқдорида санатория-даволаш муассасаларида бепул соғломлаштириш йўли билан саломатликларини яхшилаш;

Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида кексалар, ногиронлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун 3 та янги санаторий қуриш ва уларни жиҳозлаш йўли билан қўшимча 50 мингдан зиёд пенсионер ва ногиронларнинг санатория муассасаларида бепул соғломлаштирилишини ташкиллаштириш. Ушбу мақсадни амалга ошириш ишларига давлат бюджети ҳисобидан 13,5 миллиард сўм ажратиш;

имконияти чекланган шахсларнинг турмуш сифатини, ҳар йил бу контингентга кирган 10 минг одамни жами 2,5 миллиард сўм миқдоридаги зарур протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш ҳисобидан ошириш;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлар турмуш даражаси ва сифатини ҳар йил ушбу контингентга кирган 4 минг одамни умумий миқдори 3,2 миллиард сўм бўлган асосий озиқ-овқатлар, гигиена воситалари билан таъминлаш йўли билан ошириш;

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига санаторийларда ҳар йили соғломлаштириш курсидан ўтиш ўрнига йўлланманинг ўртача нархига тенг равишда компенсация олиш ҳуқуқини бериш;

ёлғиз ва кам таъминланган кекса фуқароларни умумий миқдори 6,4 миллиард сўм ҳажмидаги қишки кийим комплекти ва пойафзал, шунингдек қишга ғамлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳар йили таъминлаш;

Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида очиқ юракда жарроҳлик операцияларини ўтказиш учун умумий суммаси 9,7 миллиард сўм бўлган ҳудудлараро кардиохирургик марказлар яратиш;

туман (шаҳар)лардаги барча тиббиёт бирлашмалари ва муассасаларини, шунингдек барча вилоятлардаги онкология диспансерларини умумий миқдори 108,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тегишли замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш;

кексалар ва ногиронларнинг 23 та Саховат ва Мурувват уй-интернатлари моддий-техника базасини умумий миқдори 207 миллиард сўмга тенг ҳажмда мустаҳкамлаш.

Дастурни молиялаштиришга 688,2 миллиард сўм йўналтирилади, шунингдек халқаро молиявий тузилмаларнинг 108,7 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ва грант маблағларини жалб этиш кўзда тутилган.

Фармон ва қарорда кўзда тутилган чораларнинг амалга оширилиши кексалар ва фахрийларни ёшларни тарбиялашга қаратилган ижтимоий фаолиятга жалб этишга, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, кекса ёшдаги одамлар, имконияти чекланган шахслар ва ёлғиз кексаларнинг турмуш шароитлари ва сифатини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга, манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва уларга кўрсатиладиган ёрдам турларини кенгайтиришга ёрдам беради.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида**

# ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шунингдек, дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларига мувофиқ бажарилиши ва инвестицияларнинг ўзлаштирилиши бўйича доимий мониторинг олиб бориш, 2017-2024 йилларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича инвестиция лойиҳаларининг мавжуд муаммоларини ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш ва уларнинг ишга туширилишини таъминлаш борасида мунтазам иш олиб бориш лозимлиги билдирилди.

Бундан ташқари иқтисодиётда таркибий ўзгартиришлар ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришни таъминлаш, йирик хусусийлаштирилган объектларда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, давлат мулкидаги бўш турган ва фойдаланилмаётган объектларни хатловдан ўтказиш, улардан ўринли фойдаланиш, бўш турган объектларни ижарага бериш орқали янги иш ўринларини яратиш ва бюджетга қўшимча даромадларни тушириш бўйича қатъий чоралар кўриш, дастур доирасида 2024 йилгача янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш масалаларининг ечим ва муаммолари атрофлича кўриб чиқилди.

Сессия кун тартибидаги "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат ва ҳудудий дастурнинг ижроси кўрилиб, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари, бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда туман ҳокимликларига дастурда белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилишини тўлиқ таъминлаш, бу борада ижро интизомини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, бошқарувнинг барча бўғинларида тегишли мутасадди раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида кўзда тутилган имтиёзли кредитлар бериш йўли билан аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олиши учун истеъмол кредитлари ажратилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги таъкидланди.

Сессияда "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш масаласи муҳокама этилиб, депутатлар томонидан унинг мазмун-моҳиятини ўз сайлов округларидаги сайловчиларга етказиш вазифаси топширилди.

Сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш ва бошқа масалалар кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Б.Хўжаев иштирок этди.

**Мафтунингман, Ўзбекистон!**

# ТИНЧ ВА ХОТИРЖАМ ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

***Янги йил келмоқда. Халқимиз бу айёмни кўтаринки кайфиятда кутиб олмоқда. Буни шу кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган хорижлик сайёҳлар ҳам таъкидлашмоқда.***

**Самар ДОГРА, ўқитувчи (Ҳиндистон):**

– Ўзбекистонга сафарим жуда мазмунли ўтмоқда. 2017 йилни халқингиз катта шодиёна билан кутиб олаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Байрам арафасида Тошкент эртаклардаги каби сеҳрли тус олган. Кўчаларда безатилган арчалар, ранг-баранг чироқлар осилган дарахтлар ва бинолар кўзларни қувонтираётир.

Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб мавқега эга ва барқарор ривожланиб бормоқда. Юртингиз тарихини, гўзаллигини, бугунги тараққиётини, иқтисодий имкониятларини, сайёҳлик инфратузилмасини юксак қадрлаймиз.

Дунёнинг албатта бориб кўриш шарт бўлган шаҳарлари қаторида турувчи Самарқандни кўрганимдан жуда хурсандман. Шаҳардаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, айниқса, Регистон майдони менда унутилмас таассурот қолдирди. Уларни томоша қилар эканман, қадимда Шарқ ва Ғарб ўртасида мустаҳкам робита бўлган Ўзбекистон дунё илм-фани ривожига беназир ҳисса қўшганига ва бугун ҳам гуркираб тараққий этаётганига яна бир бор амин бўлдим. Ўзбекистонда бўлган ҳар бир сайёҳ яна соғинч билан бу юртга талпиниши шубҳасиз.

**Риккардо ГРАССО, пенсионер (Италия):**

– Ўзбекистонга мамлакатингизнинг бетакрор тарихий обидаларини томоша қилиш, гўзал табиатидан баҳраманд бўлиш ва Янги йилни кутиб олиш мақсадида келдик. Ўзбекистонда барча бирдек орзиқиб кутадиган ушбу байрамга катта тайёргарлик кўрилган. Байрам арафасида пойтахтингиз гўзал манзара касб этган.

Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаёт, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳити мамлакатингизда қўлга киритилаётган ва бутун дунёда ҳавас уйғотаётган улкан муваффақиятлар асосидир. Юртингизда халқингизнинг бахтли ва хотиржам яшаши учун барча шароит яратилаётгани таҳсинга лойиқ. Зеро, тинч ва хотиржам халққа байрамлар ярашади.

Янги йилда ҳар бир инсон эзгу ниятлар қилади. Энг эзгу тилак, аввало, саломатлик, тинчлик ва барча яқинларингизнинг бахтиёр табассумини кўришдир. Юртингиздаги ана шу фаровонликка, тинчлик ва хотиржамликка кўз тегмасин.

**Сюй ВЕНЬЯН, тадбиркор (Хитой):**

– Ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун Фарғона водийсининг сўлим гўшалари, Зомин дам олиш маскани ва Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига келган эдим. Юртингизнинг тоғли ҳудудлари, зилол дарёлари, халқингизнинг меҳмондўстлиги ва ширинсуханлиги мени яна ўзига чорлади.

Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб юрибман. Кўчалардаги манзара, одамларнинг кайфияти ва болаларнинг қувноқ чеҳрасида байрам шукуҳини кўриш мумкин. Айниқса, оқшомги Тошкент ғоят фусункор. Шаҳар марказларида арчалар безатилган, ранг-баранг чироқлар ва болаларини сайрга олиб чиққан ота-оналарни кўриб, завқим ошмоқда. Келаси сафар оилам ва дўстларим билан келмоқчиман. Уларнинг ҳам бу юртнинг гўзаллиги, халқининг меҳмоннавозлигини ўз кўзлари билан кўриб, мароқли ҳордиқ чиқаришларини истайман.

**Мин НГУЕН, муҳандис (Вьетнам):**

